

# МАЪРИФ



Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 6 апрель, чоршанба

№ 19 (6606). Баҳоси соғувда эркин нархда.

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Ёшлар

Иттифоқининг XXVI курултойи очилди

Мақтаб ўқувчиларининг фанлар бўйича

республика олимпиадаси ниҳоясига етди

«Муштум»—ҳур мамлакатнинг

ростгўй фарзанди

## Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи курултойи қатнашчиларига

Азиз йигит-қизлар! Мустақил Ватанимиз ёш авлодининг вакиллари!

Сизларни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги курултойи очилиши билан табриқлайман!

Ушбу анжуман уйғониш ва ёшларнинг фахрида ўтаётгани тарафидан раҳимий маънога эга. Айни шу кунларда мамлакатимиз халқи истиқлол йўлининг муҳим босқичига дадил қадам қўймоқда. Жаҳон таърибосида синонадан ўтган бозор муносабатларининг қарор топтиришга астойдил кўришилди. Тараққиётга тўсиқ бўлаётган говлар олиб ташланмоқда.

Буюк аждодларимизнинг анъаналарига садоқатли ёшлар ҳукуматимизнинг ислохотчилик тадбирларида ташаббус кўрсатиб фаол иштирок этаётганлари ҳаммамиз учун қувончли. Биз

меҳнатсевар, илму маърифатга чанқоқ, ўз халқига содиқ, иймонли ва иродали ёшларимиз билан фахрланамиз.

Ёшлар ҳаракатида эски қолмишдаги дабдабозлик, қуриқ шиорлар ва давлатлар барҳам топгани, улар ўрнига аниқ мақсадлар, жаҳон мезонларига мос илмий ва амалий малака эгаллашга интилиш кун сайин кучайиб бораётгани биз учун муҳимдир. Айни пайтда Ёшлар Иттифоқи йигит-қизларни иқтисодий муаммоларни дадил ечишга йўналтириш билан бир пайтда уларни донишманд халқимизнинг асрий анъаналарини эъзозлаш, ватанга чекисиз муҳаббат ва садоқат, ота-оналарга ҳурмат, оилага масъулият руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериши зарур деб ўйлайман.


Азиз укалар, сингиллар! Ўғил ва қизларим! Сизларга жонажон Ўзбекистонимиз мустақилликка эришиб, янги жаҳиат қуриш давридек масъулиятли замонда яшаш насиб этди. Истиқлолдек улғур неъматининг қадрига етиш, уни мустаҳкамлаш, авлодан-авлодга авайлаб етказиш масъулиятини зимманга тушмоқда. Ишонманки, бу муқаддас вазифани ҳалол ва астойдил адо этасизлар.

Курултой ишига муваффақият, Сизларга эса соғомонли, ишда ва ўқишда тайрат-шижоат, шахсий ҳаётингизда бахт-яқбол тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 апрель.

## МУАЛЛИМ СУРАТИГА ЧИЗГИЛАР



Тошкент шаҳри Акмал Икромов туманидаги 81-ўрта мактабнинг тарих ва жаҳиатшунослик фани ўқитувчиси Йўлдош Нурхўжаев фидойи муаллимлардан бири. У киши, бир неча ўн йилдирки, ўз мутахассислиги бўйича ўқувчиларга таълим беради, шу соҳа кетидан рўзгор тебратаяди.

Йўлдош ака ёшларга сабоқ беришда ўз таърибасига эга. Виргина мисол. У киши анча йиллардан буён дарс ўтиш жараёнида экскурсия услубидан унумли фойдаланиб келади. Бу ўқувчиларда тарих ва жаҳиатга бўлган муносибатни янада кенгроқ шакллантиришга имкон бермоқда.

Йўлдош аканинг дарс ўтиш услуби туманда, республика ўқув-методика марказида ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ҳам бир неча бор оммалаштирилган. Бундан ташқари, у узоқ йиллар Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ҳам ишлаб, таърибларидан, билим ва сабоқларидан кўпчиликни баҳраманд этди...

Касбини фахр деб билган Йўлдош ака синфхоналарини қайта шакллантириш, ўқувчиларга давр талаби асосида сабоқ бериб, техника воқитларидан унумли фойдаланишга ҳам алоҳида аҳамият бериб келади. Эндиликда у жамланган мингдан ортқ ўқув кўргазмаларини, янги техника воситалар ўқувчилар хизматида.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

1994 йил— Мирзо Улуғбек йили

## БАЙРАМЛАРИМИЗ КЎПАЯВЕРСИН

ҚАМАШИ. Тумандаги Нодир Пардаев номидаги 10-ўрта мактабда турли тадбирларни ўтказиш аянанага айланиб бормоқда. Яқинда бу ерда таътилда бўлишига қарамай, юқори синфлар ўртасида Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги муносибати билан буюк сиймонинг ижодий фаолиятини бағишланган кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Унда мактаб ўқувчилари, ўқитувчилар қаторида ота-оналар, маҳаллаларнинг оқсоқоллари ҳам иштирок этишди. Улар ўз фарзандларининг тарихимиз, ўтмиш аждодларимиз ҳақида қандай тасаввурга эга эканликларини кузатдилар.

Кўрик-танловда М. Мейлиева, И. Дўстёрова, С. Мейлиева сингари ўқувчилар гўлибликни қўлга киритиш, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

У. ТУРДИЕВ.

## АЛЛОМАГА БАҒИШЛАНДИ

Буюк олим ва давлат арбоби Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг 600 йиллик юбилейига бағишлаб Глиэр номидаги республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернатиде тадбир бўлиб ўтди. Иккинчи юқори синф ўқувчиларидан Э. Абулқайрова, Д. Мўминова, М. Аҳмедова, В. Дадахонов, Д. Қурбонова, Ш. Худойбердиев сузга чиқиб, ёш санъатшуносларга олимнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирдилар. Шунингдек, ўқитувчи Фаридат Исмагулова ташаббуси билан фотокўргазма ташкил этилиб, деворий газеталар чиқарилди.

М. ОХУНЖОНОВА.

## «МУШТУМ» ЖУРНАЛИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар! Сизни, журнал фаоллари ва фахрийларини, барча муаллимлари ҳамда ўқувчиларини республикамизнинг сеvimли нашрларидан бири — «Муштум» журналининг ташкил этилганга 70 йил ўтгани муносибати билан самимий табриқлайман.

«Муштум» журналининг ўзига хос хайрли, ибратли анъаналари бор. Унинг қошида адабиётимизнинг қўллаб етук намояндалари ўз қаламларини чархлаб, катта ижод майдонига кирганлар. Халқимизнинг тўғис турмуши, ҳалол дастурхонига соя солувчи, кўз олайтирувчи иллат ва усурларга қарши муштумчилар ҳар доим муросасиз курашиб келди. Айни вақтда қатагон йиллари мафқураси муштумчилар бошига ҳам қўллаб синовлар, мушқулликларни ёдиргандир.

Бугун Ўзбекистон ўзининг собит ва равшан йўлини белгилаб олди. Фидойи, меҳнатнаш халқимиз, маънавий қамолот сари юксалаётган жаҳиатимиз қийинчиликларни бирма-бир сабот билан енгиб ўтмоқда, жаҳон кўз ўнгига ўзларини намойён этмоқда. Аммо бизнинг тинч-тотув ҳаётимизни, ютуқларимизни қўра олмаётган, кишиларимизни қалтиришга уринаётган ғаразли, ҳасадгўй кимсалар ҳам оз эмас. Ушбу масъулиятли даврда «Муштум» ижодкорлари ҳақ талоли инъом этган эътибор саложитини, ўз билми ва таърибаларини эл-юрт хизматида, иймон ва адолат ҳимоясига янада кучайтириб йўналтиришларига ишончим комил.

Азиз биродарларим! Сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга улкан бахт-саодат ва ижодий зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил, 30 март.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИНИНГ АЛОҲИДА ЭРНАК КУРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУЮФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Журналистика ва матбаа соҳаларидаги кўп йиллик самарали хизматлари ҳамда жамоат турмушида фаол иштирок этаётганлари учун қўйилганларга Ўзбекистон Республикасининг Фахрий унвони берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Жўрабоев Аҳмажон — «Муштум» журналининг тартибдорлиги муҳаррири, Отаев Қуробой — «Муштум» журналининг Хоразм вилоятидаги ҳажвий ижодий уюшмаси раиси, ҳажвичи рассом.

Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан муюфотлансин:

Жумагулов Сафарбой Орипович — «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма цехининг ишчиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 1994 йил 31 март

## Миллий имло минбари

## ЯНГИ АЛИФБОГА ҲОЗИРЛИК

2 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссиясининг мажлиси бўлди.

Мажлисида янги ўзбек алифбосини жорий этиш юзасидан республика вазирилари ва идоралари ҳамда ҳокимликларнинг вазифалари муҳокама қилинди. Мазкур комиссия раисининг ўринбосари, республика халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев ахборот берди. У кадрларга янги алифбонини ўргатиш, ўқув-услубий адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш, ташкилий, тарғибот ва ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилган, мактаблар учун дарсликлар тайёрланаётганини таъкидлади. Режага қўра биринчи синфлар учун дарсликлар 1995 йил августига қадар чоп этилиши керак.

Республика Фанлар академияси тилшунослик институти директори А. Хожиев янги имло қондаларини ўзига хос жиҳатлари ҳақида гапирди. Мажлисида давлат матбуот кўмитаси ва телерадиокомпания раҳбарларининг янги алифбонини жорий этишга ҳозирлик ва уни тарғибот этиш борисида амалга ошириладиган иш-

лар ҳақидаги ахбороти ҳам тингиланди. Ўзбекистон Олий Кенгаши Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитаси раиси, ёзувчи П. Қодиров янги алифбо ва имло қондалари хусусида фикр-мулоҳазаларини баён этди. Мажлисини Бош вазир ўринбосари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича республика давлат комиссияси раиси М. Қорабоев бошқарди. (ЎЗА).

Ушунини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий ишлар кучайтириб юборилди. Бу бежиз эмас, албатта. Янги алифбонини ўргатувчи мутахассисларни тайёрлаш, улар ўқувини ташкил этиш, ўқув режалари, қўлланмалар ва дарсликлар тузиш, нашрга ҳозирлаш ҳамда уларни ўз вақтида чоп этиш, хусусан Халқ таълими вазирилари зиммасига алоҳида масъулият қўлайди. Виловат халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, малака ошириш ва илмий тадқиқот институтиларининг директорлари иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда ана шу масалалар атрофида муҳокама қилиниди, вазифалар белгилаб олинди. Семинар-кенгаш шу ҳафта-нинг шанба кунин 9 апрелда Республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтди. У музбиримиз.

## ХУШХАВАР НАЗАРДАН ЧЕТДАГИ БОЙЛИК

Иккиламчи хом ашё чиққидиларини тўлаб давлатга топшириш ҳозирги тақчиллик даврида, айниқса, жуда муҳимдир. Бундай тартибда иш юритиш услуби иқтисодий ва тежамкорликнинг яхши йўлга қўйилганидан далolat беради. Мазкур «назардан четдаги бойлик» яъни қора ва рангли металл парчалари, қозғоч чиркиндилар, янги яроқсиз шинадорларнинг металл бўлиқлари ҳам қорхона, ташкилот ва муассасаларга муудатли топшириқлар берилган. Андижон вилоятидаги хунар йилдизлари ва билим юртлари жамоаларининг унумли меҳнатлари тўғрисида бир йилга мўлжалланган режа ҳамал ойининг дастлабки кунларидаёқ юз фоздан ошпаиб бажарилди. Жумладан, 375 тонна қора металл, 6 тоннадан зиёд рангли металл ички таъмирчилик қурилмалари, андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Жўрабев Халиловнинг Халқ таълими вазирилрига юборган телеграммасида ана шу нарса маъмурият билан қайд этилган.

Уз музбиримиз.

## Олимпиада—94

иштирок этди. Шулардан 14 киши мейёрдаги 75 балдан ошқ очко тўплаб, голибликни қўлга киритди. Уларнинг етти нафари 11-синфга тўғри келди. Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, агар голиб ўқитган битирувчи синфда қўйибган бўлса, олий ўқув юртларининг ўз билмиини синов кўраётган фан ўргатилганда факультетга тўғридан-тўғри қабул қилинади. У 9-ки 10-синф ўқувчиси бўлса ва фақат биринчи ўринни эгалласа, келаси йилги республика фан олимпиадасида танловларсиз иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. — Ҳуқуқчилар билимлар синовига пухта ҳозирлик кўрганларга бир мисол: Наманган шаҳридаги 7-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нарғиза Қурбонова 3,5 соатга мўлжалланган топшириқларни 20 минутда бажарди ва фахри иккинчи ўринни қўлга киритди. Аммо мазкур фан бўйича 10-синфлардан ҳеч ким биринчи ўринни эгаллаб олмади. Командалар ҳисобида Наманганликлар биринчи, хоразмликлар иккинчи, ва бухороликлар учинчи ўринни қўлга киритдилар. Чет тиллари бўйича ҳам билимлар синовини режалар равишда, батариб олиб борилди.

## ЧЕЧАК БАРК УРГАН ДИЁРДА

Унда жами 146 ўқувчи иштирок этди. Командалар ҳисобида француз тилидан Тошкент шаҳрилик ўғил-қизлар биринчи, самарқандликлар иккинчи, андижонликлар учинчи ўринни эгалладилар. Инглиз тилидан тошкентликлар биринчи, жиззахликлар иккинчи, хоразмликлар учинчи ўринга чиқдилар. Немис тилидан ҳам тошкентликлар командаси пешқадамликни қўлдан бермай биринчи, самарқандликлар иккинчи, Тошкент вилоятидан келган ўқувчилар гуруҳи учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Ушунини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий ишлар кучайтириб юборилди. Бу бежиз эмас, албатта. Янги алифбонини ўргатувчи мутахассисларни тайёрлаш, улар ўқувини ташкил этиш, ўқув режалари, қўлланмалар ва дарсликлар тузиш, нашрга ҳозирлаш ҳамда уларни ўз вақтида чоп этиш, хусусан Халқ таълими вазирилари зиммасига алоҳида масъулият қўлайди. Виловат халқ таълими бошқармаларининг бошлиқлари, малака ошириш ва илмий тадқиқот институтиларининг директорлари иштирокида ўтказилган семинар-кенгашда ана шу масалалар атрофида муҳокама қилиниди, вазифалар белгилаб олинди. Семинар-кенгаш шу ҳафта-нинг шанба кунин 9 апрелда Республика ўқув-методика марказида бўлиб ўтди. У музбиримиз.

кўрмаган болалар ҳам бор экан. Аслида билимлар синовининг куйи тур босқичларида мана шулар ҳақида ўйлаб кўриш лозим эди. Натжидада кўнгини ўқувчиларга компьютер техникаси билан ишлашни қисқача ўргатишга тўғри келди. Яна бир муаммо. Маълумки, республикамизда айрим фанлар чўқур ўқитилган мактаблар, лицей, гимназия ва коллежлар кўпчилигини ташкил этади. Уларнинг сони бераётган самарасига қараб ўсиб бораётгани ҳам равшан. Мазкур ўқув даргоҳларида тахсил оловчан болаларга қайси фан чўқур ўргатилади, билимлар синовидан шу фандан юқори натижаларга эришишлари турган гап. Олимпиадада эса оддий мактаблар ва махсус мактаблар учун бир хил талаблар қўйилди. Натжидада, айниқса, чет тилларидан махсус мактаблар ўқувчилари пешқадамликни қўлдан бермадилар. Келгусида мазкур масала жиддий ўйлаб кўришни тақозо этади.

Рус тили ва адабиётдан Марғилон шаҳридаги 49-хўнара техника билим юртида билимлар синовини ўтказилди. Унда командалар ҳисобида фарғоналиклар биринчи, хоразмликлар иккинчи, тошкентликлар учинчи ўрин соҳибни бўлдилар. Мазкур тадбирда жами 15 та команда, 49 ўқувчи иштирок этди. — Марғилонликлар олимпиадани ўтказишга пухта ҳозирлик кўришди, — деди олимпиада ҳакамлар ҳайъати аъзоси Аҳмаджон Долимов. — Шу сабабли меҳмон ўқувчилар шариоит маселасида ҳеч қандай қийинчиликка дуч келмадилар. Болаларнинг билим даражаси ҳам дуруст. Улар рус тилида раван сузлаша оладилар, шу тилини амалий жиҳатдан яхши билдилар. Аммо тест синовларини ўтказиш жараёнида баъзи бир камчиликлар ҳам юзга чиқиб қолди. Мисол учун, айрим туман мактабларидан келган болалар ўзларининг устларидега етарли даражада ишламаганлар. Натжидада ана шундай ўқувчилар орасидан тест саволларига жавоб беришда энг куйи ҳисобланган 75 ўринга 30, 25 ўринга 8 балл олганлар ҳам маълум бўлди. Юқоридеги камчиликлар шунинг кўрсаткичи куйи тур билимлар синовларини ўтказишга жуда синч-техника билан юртида билимлар синовини ўтказилди. Унда командалар ҳисобида фарғоналиклар биринчи, хоразмликлар иккинчи, тошкентликлар учинчи ўрин соҳибни бўлдилар. Мазкур тадбирда жами 15 та команда, 49 ўқувчи иштирок этди. Бу ерда ҳам олимпиадада пухта ҳозирлик кўрилди. Уни ўтказиш учун болаларнинг эҳтиж-хиса мослаб «ИВМ», «Превекс», «Ямакс», «Корвет» компьютерлари ўрнатилди. Командалар ҳисобида тошкентликлар биринчи, бухороликлар иккинчи, андижонликлар ва фарғоналиклар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Бу йил информатикадан тўққизинчи марта олимпиада ўтказилиши. Болаларнинг билим даражаси аянчана ўсганлиги ҳам мана шу ерда намойён бўлди. Уларнинг баъзилари мейёрдаги 75 ўринга қото 96 балл тўплашга эришдилар. Тошкент шаҳридаги 40-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Акмал Азларов эса 10-синф болалари қаторида ўз билимларини синов кўрди ва учинчи ўринни эгаллади. Болалар олимпиада жараёнида ўз билим ва маҳоратларини синов кўришдан ташқари дўст орттирдилар, билим, тежамларини ўзаро алмашдилар. Шунингдек, улар воқийнинг эътиборга лойиқ жойларини ҳам томоша қилдилар. Голиб ўқувчилар, илгор муаллимлар ва голиб командалар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Аваз ХАЙДАРОВ, ўз музбиримиз.











«МУШТУМ»

70 ЁШДА

ХАЛҚ ДУОСИ



Бундан йигирма йил муқаддам «Муштум» журна...

қанча хароб ахролдаги йўллар, касалхоналар ва мактабларни тuzатишга...

«Муштум»нинг жонкуяр «дастбери»га айланган Устозим...

аса нажот бериб келмоқда. Шу боис халқимиз уни ҳам...

тум»чилар Магбуотчилар ўқиб эшиттирди ҳамда «Муштум»...

«Муштум»нинг жонкуяр «дастбери»га айланган Устозим...

«Муштум» кутубхонасидан

ДУМБУЛ ХАБАР

Ўқувчилар мактаб ошхонасида бир йил давомида фақат қайнатилган макорон еб...

одамлардан бири аҳмоқ бўлса-чи, дебди профессор имтихонга тайёрланмаган талаба...

ИКИР-ФИКИРЛАР

Ўқитувчи — барча имтихонлардан ўтган студентлар.

Сўзлаш саноати баъзида тинглеш қобилиятига эриш...

Бировлар қалбини иситмоқ учун аввал ўзинг тоблан.

Соғ — амон ўрток. Ҳаво бузилганда ташлаб кетади.

Яқин ранг ювилмай из қолдиради.

ҚУЛОҚЧА ЧАЛИНГАН ТАПЛАР

«Дўппи кийибди бошига» шигини тингласам, қиқ қоқилишни кўсайман-де!»

«Қизгина чунонам иссиқ қараш қилдики, йиғит музқаймоқдек эриб кетди».

«Ўзингини юм, қулогини еб юбординг!»

«Эҳ аттанг, «маҳсулдор моллар»ни «маҳсулдор чоллар» деб ўтказиб юборибман».

ХАНДАЛАР

Мактабдош дўстим Ваққосали бир йил ўтмай ерга қўйибди.

— У киши космонавтиларлар!

— Йўқ, амалга мингач, жуда ҳаволаниб кетган эди-да!

Профессор соволларга яқин жавоб бера олганга талабдан жажли чиқиб сўрабди:

— Биланам, домла, биланам. Хўш, нима экан!

— Имитхон, бу икки ақлли одамнинг ўзаро сўбати, — дебди қойил қилгандек профессорга тикилиб.

— Уша сиз айтган ақлли

Ашуралӣ ЖҲРАЕВ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ЙИЛ МАКТАБИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

II. КЎРИК-ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Кўриқда барча турдаги умумий таълим мактаблари иштирок этишлари мумкин.

III. НОМЗОД КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Кўриқ-танловда иштирок этишни хоҳлаган мактаб маъмурияти ўз педагогик жамоаси билан...

1. Кўриқда иштирок этиш учун ариза.

2. Мактаб ҳақида ўқувчи маълумотнома. Унда қуйидаги кўрсаткичлар ёритилган бўлиши керак:

— мактаб тартиб рақами, номи, маъмурияти ва педагогик жамоаси ҳақида маълумот, банкдаги ҳисоб тартиб рақами, телефони.

— мактабининг тури, ташлаб олинган йўналиши, педагогик жамоаси, моддий таъминоти, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминланганлиги, таълим-тарбия ишлари демократлаштириш, таълим жараёнида янги ноанъанавий услублардан, Марказий Осиё мутафаккир-мураббийларининг таълим-тарбия босқисидagi меросини ўрганиш ва амалда қўллаш, миллий-маданий қадриятларимиз ва анъаналаримизни тиклаш ва улардан фойдаланиш, миллий ҳунармандчиликни муносабат, ижодий ишлаётган ўқитувчиларнинг оммалаштиришга лойиқ тажрибаси, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари, ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишни самарали услублари, мактаб, туман (шаҳар)да ўтказилган олимпиадаларда, кўриқ, иқтидорли болалар танловларида ўқувчиларнинг иштироки ва совириши ўрилари эгаллиши, клуб, музей, тўгараклар фаолияти ва бошқалар.

3. Ижодий ишлаётган педагогик ходимларни тақдирлашга доир тавсиялар.

IV. КЎРИК-ТАНЛОВНИ УТҚАЗИШ МУДДАТИ

I босқич — апрель ойида туман (шаҳар)ларда;

II босқич — май ойида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида;

III босқич — ноябрь ойида Тошкент шаҳрида.

Кўриқни тайёрлаш ва ўтказишда юзага келган мунозара ва келишмовчиликлар туман (шаҳар), вилоят ва республика ташкилий қўмиталари ва ҳай'атлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

V. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мазкур Низомга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари кўриқ-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳай'ати аъзоларини тайинлайди.

Низомга биноан ташкилий қўмиталар кўриқ-танловнинг ҳар уч босқичи учун

ҚУТЛАЙМИЗ!

Хўрматли Лазоқат АКБАРОВА!

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Таълимнингизни олган кўплаб шогирдларингиз бугунги кунда халқ феровонлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Таваллуд топган кунингиз муборак бўлсин, оилангиз ва ўқувчилар бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.

А. Икромов туманидаги 81-мактаб жамоаси.

Хўрматли Мазлурут АСОМОВА!

Навқирон 40 ёшингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Сизга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, хотиржаллик ва эзгу ишларингизда омад тиллеймиз.

Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактаб жамоаси.

Хўрматли Учқун АБДУЛЛАЕВИ!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан чин қалбимиздан самимий муборакбод этамиз. Сизга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт ва совад тиллеймиз.

Фарзандларингиз ва Узун туманидаги 2-ўрта мактаб жамоаси.

Қадри Бактиёр МУРОДОВ!

Сизни умрингизнинг 37 баҳорини қаршилаганингиз, мувадиллик фаолиятингизнинг 18 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамиз. Ишингизга ривож, оилангизга тинчлик-товулик тиллеймиз.

Фарзандларингиз: Нодира, Дилноза, Умида, Келдибек, Бекзод ва турмуш ўртоғингиз Саодатхон Муродова.

Булунгур тумани.

Хўрматли Карима РАШИДОВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан табриқлаб, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт ва ишларингизга ривож тиллеймиз.

Оилангиз ва жонжон жамоангиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг.

Тошкент шаҳридаги 82-мактаб жамоаси.

ЎЗБЕКОНА НИШОНЛАНДИ. Кунни кече пойтахтимиздаги 184-мактабда Наврўз байрами нишонланди. Мактаб оstonасига қадам қўйишнинг билан пушти, оқ гуллар, деворларга осилган паллақлар, дорпечлар, деворий газеталарни кўриб баҳри дилнингиз очилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ЙИЛ МАКТАБИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

II. КЎРИК-ТАНЛОВ ҚАТНАШЧИЛАРИ

Кўриқда барча турдаги умумий таълим мактаблари иштирок этишлари мумкин.

III. НОМЗОД КЎРСАТИШ ТАРТИБИ

Кўриқ-танловда иштирок этишни хоҳлаган мактаб маъмурияти ўз педагогик жамоаси билан...

1. Кўриқда иштирок этиш учун ариза.

2. Мактаб ҳақида ўқувчи маълумотнома. Унда қуйидаги кўрсаткичлар ёритилган бўлиши керак:

— мактаб тартиб рақами, номи, маъмурияти ва педагогик жамоаси ҳақида маълумот, банкдаги ҳисоб тартиб рақами, телефони.

— мактабининг тури, ташлаб олинган йўналиши, педагогик жамоаси, моддий таъминоти, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминланганлиги, таълим-тарбия ишлари демократлаштириш, таълим жараёнида янги ноанъанавий услублардан, Марказий Осиё мутафаккир-мураббийларининг таълим-тарбия босқисидagi меросини ўрганиш ва амалда қўллаш, миллий-маданий қадриятларимиз ва анъаналаримизни тиклаш ва улардан фойдаланиш, миллий ҳунармандчиликни муносабат, ижодий ишлаётган ўқитувчиларнинг оммалаштиришга лойиқ тажрибаси, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари, ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишни самарали услублари, мактаб, туман (шаҳар)да ўтказилган олимпиадаларда, кўриқ, иқтидорли болалар танловларида ўқувчиларнинг иштироки ва совириши ўрилари эгаллиши, клуб, музей, тўгараклар фаолияти ва бошқалар.

3. Ижодий ишлаётган педагогик ходимларни тақдирлашга доир тавсиялар.

IV. КЎРИК-ТАНЛОВНИ УТҚАЗИШ МУДДАТИ

I босқич — апрель ойида туман (шаҳар)ларда;

II босқич — май ойида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида;

III босқич — ноябрь ойида Тошкент шаҳрида.

Кўриқни тайёрлаш ва ўтказишда юзага келган мунозара ва келишмовчиликлар туман (шаҳар), вилоят ва республика ташкилий қўмиталари ва ҳай'атлари томонидан кўриб чиқилади ва ҳал қилинади.

V. КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Мазкур Низомга биноан Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими Бош бошқармаси, туман (шаҳар) халқ таълими бўлиmlари кўриқ-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳай'ати аъзоларини тайинлайди.

Низомга биноан ташкилий қўмиталар кўриқ-танловнинг ҳар уч босқичи учун

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Тахрир ҳай'ати: Умида АБДУАЗИ МОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Илова учун масъул, Алн шер КАРИМОВ, Гафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимуроҳ ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегади ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

ТАШАББУС ҚУЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Наврўз айёмида республика ўқитувчилар уйл қошидаги фахрийлар кенгашининг раиси, халқ маорифи аълочиси Ш. Гадоибоев бошчилигида бир гуруҳ фахрийлар Тошкент вилоятининг Чиноз туманига сафар қилиб, у ерда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат таракчилигини ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ҳаётга қандай жорий этилаётганлиги билан танишди.

Туман халқ таълими бўлими ходимлари бир гуруҳ фахрий педагогларнинг «Маърифат» рўзномасининг шу йил 10 март сонида эълон қилинган Мувожаъномасини қизғин қарши олишти.

Барча ўқитувчи, ўқувчилар қаторида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳам кўчат ўтқазишда фаоллик кўрсатишти. Мактаб, боғча ва бошқа таълим-тарбия масканларида шу кунга қадар 4500 туп мевали дарахт, 60000 текак қаламчалари, 500 туп туқ, 50000 туп манзарали дарахт кўчатлари экилди.

III. ҲИДОЯТОВ.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини маъмурияти, жамоат ташкилотлари, математика факультети жамоаси математика ўқитиш услубий кафедрасининг доцент, уруш ва меҳнат фахрийси. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси

Абдусамат МИРСОЛИҚОВ бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таззия изҳор этади.

А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтини раҳбарияти ва жамоаси табиий фанлар кафедрасининг катта ўқитувчиси Наима Мирҳожиевага онаси

Салима ая РАСУЛОВА вафот этганлиги муносабати билан чуқур таззия изҳор қилади.

МАЪРИФАТ ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Фақт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

ИНДЕКС: 64305. Буторга Г.—859. 01934 нусxada босилди, ҳажми 2 босма табақ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босинга тошириш вақти—20.00. Топширилади—30.00. 1 2 3 4 5 6.